

545 - сон билан
рўйхатга олинди

“Асака” банки (ОАЖ)
Бошқарувининг 2013 йил
“14” август 2013 йилдаги 218 -
сонли баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ БОШҚАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти)нинг (кейинги ўринларда-Банк) Устави, Кадрлар сиёсати ва амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Ходимлар билан ишлаш бошқармасининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибини белгилайди.

3. Ходимлар билан ишлаш бошқармаси (кейинчалик матн бўйича “Бошқарма”) Банкнинг мустақил таркибий бўлинмаси бўлиб, бевосита банк Бошқаруви Раисига бўйсунди.

4. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

II. БОШҚАРМА ТАРКИБИ

5. Бошқарманинг ташкилий-функционал тузилмаси, штат жадвали ва ходимлари сони Банк Бошқаруви Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Бошқарма таркибига Раҳбар ходимлар ва филиаллар билан ишлаш бўлими ҳамда Ходимлар бўлими киради.

7. Банк филиалларининг ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассислари Бошқармага бўйсунди.

8. Бошқармага Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиғи банк Бошқаруви Раисининг буйруғи билан ишга

қабул қилинади. Бошқарма бошлиғи ишда бўлмаган вақтда вазифасини вақтинча бошқарма бошлиғи ўринбосари бажаради.

III. БОШҚАРМАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

9. Бошқарманинг асосий мақсади Банкнинг Кадрлар сиёсатини амалга ошириш, банк тизимини замонавий фикрлайдиган, малакали ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ходимлар билан мустақамлашдан иборат.

10. Бошқарманинг асосий вазифалари банк ходимларининг масъулиятини ошириш, ходимларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни тарбиялаш борасидаги ижтимоий-психологик диагностика, ходимларни бошқариш тизимини ахборот билан таъминлаш, бандликни бошқариш, бўш лавозимларга муносиб номзодларни танлаш, ходимлар салоҳиятини ҳамда уларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш, хизмат мартабасини режалаштириш ва мониторинг қилиш, сифат таркибини яхшилаш, ходимлар заҳирасини тайёрлаб бориш ҳамда қўнимсизликни олдини олишдан иборат.

11. Бошқарма ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ходимларни бошқариш (персонал менежменти), ходимлар салоҳиятининг нормал шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан ўзаро боғланган ташкилий-иқтисодий ҳамда ижтимоий чоратadbирлар тизимини амалда тадбиқ қилиш;

ходимлар ишига оид янги усуллар ва илғор технологияларни жорий этиш, уларга тегишли ҳужжатларни стандартлаш ҳамда бирхиллаштириш, ахборот технологик воситаларни қўллаш асосида ходимларни бошқариш жараёнини такомиллаштириб бориш;

ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, ходимларни малакавий ва касбий тайёргарлигини ошириш жараёнларини тизимли ташкил этиш;

ходимлар сифат таркибини таҳлил қилиб, улар сафини ёш, иқтидорли, малакали ходимлар билан янгилаб бориш, истеъдодли ёшларга эътибор қаратиб, уларнинг лавозим поғоналарига босқичма-босқич кўтарилишини мониторинг қилиш;

мустақил таркибий бўлинмалар ҳамда банк филиаллари раҳбарлари билан биргаликда ходимларнинг ишбилармонлик қобилиятини ўрганиш, уларнинг мутахассислиги ва ишчанлигини ҳисобга олган ҳолда бўш турган лавозимларни тўлдириш, янги лавозимга тайинлаш ҳамда зарур ҳолатларда ишдан бўшатиш ҳақида банк Бошқарувига таклифлар киритиш;

Бош офис таркибий тузилмалари ва филиал бошқарувчилари билан биргаликда раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун ходимларнинг заҳира таркибини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

ходимлар қўнимсизлиги ва уларнинг алмашинувини камайтириш, мутахассисларнинг ишдаги ўсишини таъминлаш;

банкнинг таркибий тузилиши ва штат жадвалини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш;